

## Агентликда миллий ташувчилар билан давра суҳбати

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи В.В. Исмоилов бошчилигида жорий йилнинг 1 август куни миллий ташувчилар билан автомобилда халқаро юк ташувларидаги муаммоларини бартараф этиш борасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

- Аввалом бор, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Агентлик автотранспортда хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш ва автомобилда халқаро юк ташувлари масалалари учун ваколатли давлат органи ҳисобланади, деди Агентлик бошлиғи. - Агентликнинг устувор вазифаларидан бири автомобилда халқаро юк ташишлар бозоридаги вазиятлардан бохабар бўлиш ҳамда миллий автомобилда юк ташувчилар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Республиканинг автотранспорт паркини халқаро стандартларга жавоб берадиган автомобиллар билан янгилаш мақсадида катта ҳажмли юк машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, Самарқанд автомобиль заводида «МАН» русумли юк автомобилларини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Бу миллий ташувчиларимиз имкониятларини янада кенгайтириб, рақобат бозорида уларнинг мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шуларни эътиборга олган ҳолда ўз фаолиятларини талаб даражасида шакллантира олган 356 га яқин миллий автотранспорт компаниялари автомобилда халқаро юк ташувларини амалга ошириб, республикамизнинг экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорига етказиб беришда ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалигини айтиб ўтди.

Давра суҳбатида маълумот берилдики, Европа, Осиё ва МДХнинг 26 та давлати билан автомобилда халқаро ташувлар соҳасини тартибга солувчи иккитомонлама ҳукуматлараро битимлар имзоланган бўлиб, булар - Туркия, Украина, Эрон, Беларусь, Грузия, Молдова, Туркманистон, Латвия, Руминия, Қирғизистон, Словакия, Литва, Финляндия, Болгария, Греция, Чехия, Россия, Италия, Германия, Австрия, Швейцария, Венгрия, Голландия, Польша, Словения ва Қозоғистондир.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур Битимлар талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ўртасидаги автомобилда халқаро ташувларни ривожлантириш учун ҳар йили ушбу битимларга асосан автомобилда халқаро юк ташувлар масалалари бўйича Қўшма комиссия йиғилишлари ўтказилиб келинмоқда.

Айни пайтда Азарбайжон, Испания, Франция, Эстония, Хитой, Туркия ва Эрон давлатлари билан автомобилда халқаро ташувлар тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимлар тузиш ёки имзоланганларини янгилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида қуйидаги рақамлар ҳам қайд этиб ўтиб ўтилди:

2010 йилда экспорт-импорт ташувларнинг умумий ҳажми 743,1 минг тонна бўлиб, шундан миллий ташувчиларимизнинг ҳиссаси 255,5 минг тонна ёки умумий юк ҳажмининг 34,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2015

йилда экспорт-импорт ташувларнинг умумий ҳажми 1583 минг тонна, шундан миллий ташувчиларимиз ҳиссаси 588,5 минг тонна ёки умумий юк ҳажмининг 38 фоизни ташкил этган, бундан фақат экспорт юклари ташувларини оладиган бўлсак миллий ташувчиларимизнинг улуши 41,6 фоизни ташкил этмоқда.

2015 йилда 2014 йилга нисбатан ўзбек автотранспорт корхоналари томонидан амалга оширилган экспорт-импорт ташувлари сони 2,4 фоизга ва юк ташиш ҳажми эса 4 фоизга камайганлигини кўрсатмоқда.

Шундан сўнг давра суҳбатида йиғилган миллий ташувчилар ўз фаолиятларида дуч келаётган муаммолар ва соҳани ривожлантиришга доир ўз таклифлари билан мурожаат этишди. Жумладан,

«BK INTRANS» хусусий корхонаси мутахассиси Абдуваҳоб Содиқов, Қамчиқ довоида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда ёрдам берилишини, «TURON TRANSIT LOGISTICS» МЧЖ раҳбари Дильшод Таҳиров узоқ масафога қатновчи ҳайдовчиларни малакасини ошириш, хорижий тилларни ўқитиш борасидаги ўз таклифлари билан мурожаат қилдилар.

Агентлик бошлиғи барча саволларга тўла-тўқис жавоб бериб, Агентлик ўз ваколатлари доирасидаги барча масалаларда миллий ташувчиларга ёрдам беришга тайёрлигини билдирди.

«BK INTRANS» хусусий корхонаси директори ўринбосари Рустам Қосимов Агентлик ва мутасадди раҳбарларга давра суҳбати самимий ўтганлиги, ташувчиларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқиляётганидан мамнунлигини айтиб, бу ишларга бош-қош бўлганлиги учун ташувчилар номидан Агентлик раҳбарига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Халқаро автомобиль ташувчилар уюшмаси, “JV MAN AUTO-UZBEKISTAN” ва Агентлик вакиллари иштирок этишди.

Жонли руҳда ўтган йиғилиш давомида тўпланганлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга мутахассислар ёрдамида ойдинлик киритиб олдилар.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати